

ҒАФУР ҒУЛОМ ШЕЪРИЯТИДА ВАҚТ ИФОДАЛАШ УСУЛЛАРИ

Х.Шарафиддинов,

Фарғона давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Мақолада Вақт тушунчасининг фалсафий англаниши, унинг тилда ифодаланиши, Гафур Ғулом шеъриятида унинг турли сўз ва сўз бирикмалари орқали ифодаланиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: фалсафий, эра, тарихий, физиологик-психологик, мифологик, мучал.

ABSTRACT

The article talks about the philosophical understanding of the concept of time, its expression in language, and its expression through various words and phrases in Gafur Ghulam's poetry.

Key words: philosophical, era, historical, physiological-psychological, mythological, muchal.

КИРИШ

Фалсафий маънода вақт моддий оламдаги ҳар бир нарса-предметнинг, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг мавжудлиги ва яшаш муддати, бу муддатнинг давомийлиги, ўлчамлари каби қатор тушунчаларни ўзида жамлайди. Бу тушунчалар сўзлар воситасида юзага чиқади. Обьектив оламдаги барча нарсалар ва уларнинг ҳаракатлари маълум маконда намоён бўлганидек, муайян замон билан ҳам боғланади. Шу жиҳатдан қаралганда, вақт обьектив мавжудликнинг яшаш шакли; материянинг зарурий, муҳим ва ажралмас хусусияти – ҳаракат [1,94]. Бу хусусият ифодаси маълум майдонга мансуб сўзларни талаб этади. Масалан, “кун қиёмдан оққанда етиб бордик” [5,184] жумласида нарса-предмет, бу ўринда биринчи шахсда бўлиб, расман ифодаланмаган “биз”нинг ҳаракати “етиб бордик” ҳукмида реаллашган; кун қиёмдан оққанда фаолият юзага чиқадиган вақт-фаолият реализацияси вақти.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Вақт тушунчасини ифодаловчи сўзларнинг катта оралиқларни кўрсатувчилари мавҳумлик белгисини ҳеч қачон йўқотмайди. Чексизлик, узлуксизлик, доимийлик, номаълумлик, вақт тушунчаси билан боғланганда, “давр” сўзида акс этади. “Эра” сўзида ҳам вақт тушунчаси англашилади, шунингдек, бу сўз даврларни ажратиш ҳам туради. Маълум бир давр, эранинг

муайян бир бутунликни конкретлаштирувчи оралик даври “аср” сўзида ифодаланган тушунчада реаллашади: эрадан олдинги X-IX асрлар, эрадан кейинги IX-X асрлар тарзида. Аср равшанлик касб этиш йиллар билан ўлчанганда маълум бўлади: XX асрнинг 20-йиллари. Бу кетма-кетлик аниқ ва қатъий система сифатида барқарорлашган.

Миқдор тушунчасини англатиб, арифметик ёзув белгисига эга бўлган бир – 1, ўн – 10, юз – 100 каби сўзлар вақт тушунчасини билдирувчи сўзлар билан атрибутив алоқадорликда вақт тушунчаси конкрет ифодага эга бўлади.

Йигирма учинчи йилнинг тонгида

Шеърим билан эгиз бўлиб туғилдинг. [5,35]

Биринчи мисрадаги 23 рақами йилнинг атрибути бўлиб келган – йил шу рақам орқали аниқлик касб этган. “Тонг” сўзи орқали эса шу йилнинг бошланиши аниқланган. Бу ифодада кўчим бор – тонг йилнинг эмас, сутка кундузининг бошланиши. 23-йилнинг тонги шу йилнинг бошланғич ойи, яъни январ тушунчасини беради.

Ғафур Ғулом ўз асарларида вақт тушунчасини ифодалаш учун турли усулларга мурожаат қилади.

Булар қуйидагилар:

1. Машҳур шахслар ҳаётининг маълум бир дамлари вақт ифодалаш учун хизмат қилади.

Мен ҳам роппа-расо Пушкин ёшида,

Фақат бу курашдир, эмасдир дуэл.

Дуэлда ўлурлар, курашда – ҳаёт,

Тарих талаб қилган улуғ қиран йил. [5,37]

Машҳур кишилар (келтирилган парчада Пушкин) ёши орқали ифодаланган улуғ қирон йил шеър ёзилган вақтни ҳам, шоир ёшини ҳам акс эттиради. Шунингдек, уруш ва маълум бир ҳаёт йўлларининг тугашига – ҳалок бўлишига ҳам ишорат этилади.

2. Тарихий воқеа-ҳодисалар рўй берган йиллар вақт тушунчасини образли ифодаланишининг омиллари сифатида хизмат қилади.

Ленада ишчилар отилган куни

Абжад ўқиш учун мактабга бордим. [5, 35]

Келтирилган иккиликнинг биринчи мисрасида 1912 йил апрель ойининг тўртинчи санаси кўзда тутилади. Шу куни подшо ҳукумати томонидан икки юз эллик киши отиб ташланади. Булар яшаш имкониятларининг чегараси ўз ҳаддига келганлиги учун иш ташлаган намоёнчиликчилар бўлган. Бу воқеа орқали шеърнинг кичик бир бандига кўшимча маълумотлар киритилган, образли ифода

орқали шеър мазмуни бойитилган. Шеърни ўқиган ҳар бир киши таъсирли бир маълумотга эга бўлади ёки шу маълумотларни олиш учун бошқа манбаларга муурожаат қилади. Хуллас, шу бир мисра асар мазмун доирасининг янада кенгайишига хизмат қилган.

3. Ғафур Ғулом шеъриятида вақт ифодалаш физиологик-психологик омиллар билан ҳам боғланади. “Алифбе ўқишга кириш” вақт ифодаси бўйича бевосита шу омилга асосланади.

Шеър ўсди, сен ўсдинг соатма-соат,
Мана, энди, улғайиб ҳарбий ёшинг бор.

Дўстлар билан сафда ўқишга, албат,
Мен ёзган эгизак марш – йўлдошинг бор. [5,36]

Мисралардаги “саф”, “марш” сўзлари ҳарбий ҳаётнинг фаол сўзлари саналади. Бу ҳаётга кириб келишнинг физиологик-психологик чегаралари белгиланган. Албатта, бу ҳарбий кадрлар хизмат даври билан эмас, оммавий ҳарбий сафарбарлик – муддатли ҳарбий хизмат учун мўлжалланган вақт бирлигидир.

4. Мифологик ривоятлар асосида белгиланган вақт тушунчаси ҳам образли ифода учун қўлланади. Шоирнинг “Хотин” шеърисида шундай мисралар бор:

Улғайдим, “ёр, сенга мубтало бўлдим...”

Кучини кўрсатди шунда ғазаллар.

Ҳазил-ҳазил билан мучаллар ўтди,

Кулмасин баркамол ёшли гўзаллар. [4,50]

Тўртликнинг охирги мисраси дастлабки вариантларда “Кулмасин комсомол ёшли гўзаллар” тарзида бериб келинган. “Комсомол ёшли” бирикмаси вақт ифодаси бўйича, “баркамол ёш” бирикмаси билан яқин бўлганлиги туфайли кейинги вариант осон алмаштирилган – вақт англашилиши ҳам ўзаро мос тушади. Бу ижтимоий-физиологик омил асосидаги вақт ифодалаш саналади. “Мучаллар ўтди” бирикмаси эса мифологик ривоятлар асосига кўра вақт ифодалайди. Мучал – вақт ҳисоби. Бу ҳисобга кўра, ҳар ўн икки йил бир мучал ҳисобланади, ҳар бир мучал даври эса ички бўлинишга эга бўлиб, унинг ҳар бир йили бир ҳайвон номи билан юритилади. Мисрадаги “Мучаллар ўтди” бирикмаси улғайишга ишорат этади, банднинг биринчи мисраси ҳам “улғаймоқ” феълидан бошланади.

5. Ғафур Ғулом шеъриятида астрономик тушунчалар ифодаловчи сўзлар воситаси билан ҳам вақт тасвири берилади. “Қуёшнинг йиллик ҳаракат йўли

бўйлаб жойлашган ўн икки юлдузлар туркумининг” (2,150) номларига асосланувчи “шамсия йил ҳисоби” (3,84) бўйича вақт ифодаланади.

Сунбула сувидай тиниқ манглай тер,

Марварид доналар бўлди оқибат.

Чалишмак мезонин ботмонларидан

Юлдуз сон қанорлар тўлди оқибат. [5,56]

Сумбула // сунбула астрономик вақт ҳисоби бўйича, йигирма иккинчи августдан йигирма иккинчи сентябргача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу вақт куз фаслининг бошланиши. Совуган сув эса тинади. Мисраларда сумбула сувини айти шундай, тиниқ деб кўрсатилади.

6. Даврнинг ижтимоий тузуми томонидан белгиланган удумларга мувофиқ равишда вақт ифодалаш шеър мавзуси ва ғояси билан зич боғланган ҳолда баён этилади. Шоирнинг “Сен етим эмассан” номли шеърда шундай ҳолат кузатилади.

Кўзимга уйқунинг

Мудроқ овчиси

Тўрин солмасдан –

(Биринчи гудокка

Икки соат бор) –

Оталик ҳиссининг

Бебаҳо, лазиз

Тўлқинлари ичра

Ғарқ бўлиб кетиб,

Азиз бошинг устида

Термулмакдаман...

“Биринчи гудокка” ҳали “икки соат бор”, лекин шоир ухлагани йўқ, у жонсарақ ота сифатида ўз бурчини ўташда давом этади. Биринчи гудок вақти эса давр кишиларига маълум. У даврда шаҳарлар завод гудоклари билан уйғонган, қишлоқлар раис машинасининг сигналлари билан кўз очган даврлар фақат шу замон кишиларига маълум бўлган.

7. Вақт оқимининг табиатда намоён бўлишини ифодаловчи сўзлар воситасида ифодалаш ҳам Ғафур Ғулом ижодига хос хусусиятлардан биридир. Шоирнинг “соғиниш” номли шеърда табиий вақт оқимини билдирувчи “Саҳар”, “тонг отар” каби сўзлар орқали нарса-ҳодисаларнинг белгилари ифодаланади.

Суйганинг лабида реза тер каби

Унда титраб турар сабуҳий шабнам.

Кўчатлар қоматин эслатганидек,

Нафасин уфурар тонг отар ели.

Келтирилган парчаларда вақт ифодаловчи сўзлар вақт билан боғлиқ бўлган атрибутив вазифада қўлланган. Қуйидаги мисраларда тонг отар яна бир вақт ифодаловчи “чоғ” сўз билан бир бирикма таркибида келиб сутканинг аниқ даврини англатиб келган.

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,

Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.

8. Ғафур Ғулом шеъриятида она сайёранинг маълум бир ҳудудига хос табиий шароитларга хос бўлган тушунчалар орқали ҳам вақт ифодаланади. Масалан, бизнинг ўлкада етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг етиштирилиши, тайёр бўлиши даврий вақт тушунчасини ифодалаш учун асос бўлади.

Ҳоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган,

Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим. [5,47]

9. Фазовий жисмлар ҳаракати асосида вақт ифодалаш Ғафур Ғулом прозасида ҳам кузатилади. “Кун қиёмдан оққанда кўлида яримта ноннинг юзига сузма суртиб хўжайин чиқиб қолди”. [4,219] “... эй, менинг тарбиям учун кўз юммасдан ҳулқар кўзларингга чўккан она...” [5,119]. “Кун қиёмдан оққанда” бирикмаси таркибида келган қиём сўзи орқали қуёш ҳаракати кўрсатилади: “Қуёш тикка кўтарилган пайт; пешин” [2,569] вақти; ҳулқар юлдузлар туркуми унинг кўриниб туриш давомийлиги, тун. Тонгдан бошлаб кўринишни йўқотади, у она кўзларига чўкиб кўринмайди, бу усул она меҳнати улуғлигини таъкидлаш учун келтирилади.

“Шум бола” қиссасида шундай жумлалар бор: “... мана бу – Хулқар, кеча шу юлдуз тикка келганда, эшак сўйилган эди. Мана бу Сомончининг йўли, кеча шу кунботарга яқинлашиб қолганда, домла биқинимга тепган эди” (4,176). “Сомон йўли” ҳаво очиқ тунда оддий кўзга ёруғ йўл бўлиб кўринадиган юлдузлар туркуми” [2,68].

10. Ғафур Ғулом прозасида йил фасллари билан боғлиқ ҳолда ўзгариб турадиган, сутканинг тонгга яқин даврини халқона ифодалаш ҳам кузатиладики, бунда вақт тушунчаси нисбатан мавҳумроқ англашилади – ҳамма учун бир хил бўлган аниқ бир вақтнинг конкрет ифодаси билинмайди. “Икки хўроз қичқирганча суҳбат давом қилди”. [4,260]

Ғафур Ғуломнинг “Вақт” номли шеърисида вақт тушунчасини ўз номинал маъноси билан ифодаловчи сўзлар кўплаб ишлатилади.

Яшаш саодатининг олтин капгири
 Ҳар бориб келиши бир олам замон.
 Голиб асримизга қуёшдан машъал,
 Замон қўрасининг сўнмас чўғимиз.
 “Лаҳза” сўзи бир банднинг ўзида уч марта такрорланади.
 Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
 Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал.
 Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
 Қудратли қўл билан қўйлик ҳайкал.
 “Дам” сўзи ҳам бирдан ортиқ мисраларда такрор қўлланади:
 Коинот шу дамда ўз куррасидан...
 Кўз очиб юмгунча ўтган дам-қиммат...
 Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз...
 Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
 Шеърда фурсат, аср, соат, он сўзлари уч мартадан қўлланган.
 Ғунча очилгунча ўтган фурсатни...
 Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам...
 Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла...

“Вақт” шеърида номинал маънода вақт тушунчасини ифодаловчи ўн олти сўз бўлиб, ўттиз икки сўз қўллаш кузатилади. Шунингдек, нутқий кўчимлар билан ҳам вақт ифодаланади. “Ялт этмоқ”, “Бир нафас”, “ҳар нафас”, “Кўз очиб юммоқ” бутунликларига вақт тушунчасининг ўта қисқа маънолари юкланган ва улар муддат, дам, умр сўзлари билан боғланиб, бу сўзлардан англашиладиган вақт тушунчасини конкретлаштириш билан бирга, вақт давомийлиги тушунчаларига зидликда қўлланган.

Баъзида бир нафас олгулик муддат
 Минг юлдуз сўниш учун етгулик.

Ялт этган умри-ла барқарор қилди,
 Башарнинг муқаддам, олий ҳуқуқин.

Шоир ўзининг “Кузатиш” шеърида “Бешинчи йилларнинг тўлқинлари”, “Ленада ишчилар отилган куни”, “Наполен Москвада этик йўқотиб... Парижга қочган чоғида” каби кўчим ва образли ифодаларни қўллар экан,

- Жўра, шу чистонни дўстларингга айт:

“Бобоси туғилган кун набираси
 Алифбе ўқишга кирибди”, - фақат
 Айтмагил, юз йилдир бунинг ораси, -

дея таъкидлайди. Чистон ўзбек поэзисида шеърий топишмоқ. Нарсалар номлари айтилмайди, бироқ умумий алоқадорлик ёки ўхшашлик омили бўйича белгилари тавсифланади. Мана шу тавсифий белги орқали предмет топилади. Ғафур Ғулом эслатган чистонда эса вақт яширилган, шу вақтда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг умумий белгилари тавсифланган.

Чистон деб кўрсатилган бу сатрларда вақт билан боғлиқ яна бир муқояса бор: “бобоси туғилган кун” ва набиранинг “алифбе ўқишга кирган” кунлар. Буларнинг ораси юз йил фарқ билан туғилмоқ ва ўқишга бормоқ кунлари тенг келади.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан маълум бўладики, Ғафур Ғулом шеъриятида вақт тушунчасининг ифодаланиш ўзига хос рангба-ранг услубийликка эга. Машҳур шахслар ёшларига муқояса (мен ҳам... Пушкин ёшида) шаклида, тарихий воқеалар рўй берган саналар (Ленада ишчилар отилган куни) воситасида, ижтимоий-физиологик омиллар билан белгиланган (алифбе ўқишга бориш, ҳарбий ёш) вақтлар, мифологик ривоятлар асосида белиланган (... мучаллар ўтди) вақт, астрономик тушунчаларни ифодаловчи (сунбула) сўзлар, ижтимоий тузум ва мафкуралар томонидан урфга киритилган (биринчи гудок) вақт ўлчовлари ҳамда вақт оқимининг фазовий жисмлар ҳаракати билан боғлиқ ҳолда ўлчаниб (сабуҳи субҳ) номланган сўзлар орқали вақт тушунчаси ифодаланиши билан турли қайтариқлардан ҳоли бўлишга, шеър мазмунига қўшимча маълумотлар киритилиши ва мазмуннинг янада бойитилишига, мукаммал образлилик яратилишига эришилган.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Философский энциклопедический словарь. –М.: “Советская энциклопедия”, 1983.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. –М.: “Рус тили”, 1981.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II-том. –М.: “Рус тили”, 1981.
4. Ғафур Ғулом. Асарлар. Ўн томлик. 5-том. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
5. Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-манбаа ижодий уйи, 2018.
6. Шарафиддинов Хурсанд. [Мавзу белгилашда давр ижтимоий мазмунининг ўрни](#). THEORITICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES 9 (9), 105-107. 2023.

7. Шарафиддинов Хурсанд. [Уруш даври она ва бола фожиасининг бадий тасвири](#). Analytical Journal of Education and Development 3 (3), 10-109, 2023.
8. Sharafutdinova N. Undalma teonimlar tavsif sifatida. Analytical Journal of Education and Development 3 (3), 111-116, 2023.
9. Nilufar Sharafutdinova. THE WORDS GOD AND BLUE (KO,,K) ARE THEONYMS, Vol-7-Issue Q2- 2022.
10. Sharafutdinova N. Mythology - ancient man's fiction. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal Volume: 7 | Issue: 5 May 2021.
11. Sabirdinov, A. (2019). Sketches to the novel “Night and day” by Chulpan. Scientific journal of the Fergana State University, 1(6), 119-120.
12. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of Characters in Utkir Hoshimov’s Story “Yanga”. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(6), 196-200.
13. Sabirdinov, A. (2020, December). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. In Конференции.
14. Sabirdinov, A. G. (2021). Interpretation of the banned period in the stories of Naim Karimov. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(11), 4-91.
15. Сабирдинов, А. Г. (1993). Слово и образ в поэзии Айбека.
16. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. Scientific Journal of Polonia University, 32(1), 116-120.
17. Oripova Gulnoza Murodilovna. (2019). THE PECULIARITIES OF VAZN METER IN UZBEK POETRY OF THE INDEPENDENCE PERIOD. International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. Volume: 8 /Issue:2/. – Macedonia, 2019. –P.33-39.
18. Murodilovna, O. G. (2020). Melody and musicality in Liryics. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 656-664.
19. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 245-249.
20. Oripova, G. (2020, December). RHYTHM AND MYTHING IN LYRICAL GENRE. In Конференции.
21. Oripova, G. (2019) "Traditions of folk ballads and distinctiveness of uzbek poetry of independence period," Scientific journal of the Fergana State University: Vol. 2 , Article 12.

22. Oripova, G. M. (2021). Genesis And Essence Of Genre Concept. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(12), 90-94.
23. Oripova, Gulnoza, & Ibrohimova, Gulchiroy (2022). SIROJIDDIN SAYYID IJODIDA MUMTOZ MUSHTARAKLIKLAR. *International scientific journal of Biruni*, 1 (2), 251-255.
24. Oripova, Gulnoza Murodilovna, Akhmadjonova, Okila Abdumalikovna, Kholmatov, Oybek Umarjon Ugli, & Muminova, Tabassum Siddigovna (2022). INTERPRETATION OF MOTHER IMAGE IN LITERATURE. *International scientific journal of Biruni*, 1 (2), 304-309.
25. Oripova, Gulnoza, & Alijanova, Maftuna Azimjon Qizi (2022). ASQAD MUXTORNING “CHINOR” ROMANIDA AYOL PORTRETINING BADIY-PSIXOLOGIK ASOSLARI. *International scientific journal of Biruni*, 1 (2), 221-226.
26. Oripova, Gulnoza Murodilovna, & Abdurasulova, Nafisa Abdumannob Qizi (2022). O’ZBEK NASRIDA URUSH MAVZUSI VA “YO’QOTILGAN AVLOD” MUAMMOSI. *International scientific journal of Biruni*, 1 (2), 213-220.